# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● www.xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 26 декабрь, № 268 (7226) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 25 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати биносида мамлакатимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлигига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Йиғилишда Олий Мажлис палаталари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси вакиллари, ҳукумат аъзолари, Давлат хавфсизлик хизмати шахсий таркиби, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди. Видеоконференцалоқа орқали тадбирни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари кузатиб борди.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқимизнинг осойишталигини таъминлаш мақсадида хавфсизлик тизимлари ҳар томонлама такомиллаштирилмоқда, уларнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳияти ошириб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 14 мартдаги "Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ташкил этилди, унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгилаб берилди. Шу йил 5 апрель куни "Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Йиғилишда тизимда амалга оширилган ислоҳотлар натижалари ва галдаги устувор вазифалар муҳокама қилинди. Давлат хавфсизлик хизматининг бошқа давлат органлари ва идоралари билан ташқи ва ички таҳдидларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлигини мустаҳкамлашга доир долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Узоқ ва яқин минтақаларда халқаро терроризм, экстремизм ва трансчегаравий жиноятчилик фаоллашган бугунги шароитда мамлакатимиз хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш устувор аҳамият касб этиши таъкидланди.

Қилмишига чин дилдан пушаймон бўлгани ва ёт ғоялардан тўғри йўлга қайтгани учун жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган экстремистик ташкилотларнинг собиқ аъзолари ва тарафдорларини нормал ҳаётга қайтаришга қаратилган тадбирлар самарадорлигини ошириш чоралари белгиланди. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларни комплекс ривожлантириш бўйича сектор раҳбарларига мазкур шахсларнинг маиший муаммоларини ҳал қилиш, уларни ишга жойлаштириш ва жамият ҳаётига жалб этиш юзасидан топшириқлар берилди.

Шунингдек, мамлакатимиз тараққиётига тўсиқ бўлаётган коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг ижтимоий хавфсизлиги масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Озиқ-овқат, энергетика, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда хавфсизликни таъминлаш бўйича муҳим чора-тадбирлар хусусида сўз юритилиб, йўналишлар аниқ-равшан кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ҳисоботлари тингланди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг янги ҳудуди ва янги биноси, унинг фаолияти, моддий-техник имкониятлари билан танишди, ходимлар билан мулоқотда бўлди.

Шу ерда таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, давлат хавфсизлигини таъминлаш жараёнида қўлланиладиган махсус техника ва қурол-аслаҳа намойиш этилди. Давлатимиз раҳбари халқимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш энг устувор вазифа эканини, ҳар бир хизматчи ушбу шарафли масъулиятни чуқур ҳис этиши, ҳар томонлама етук ва огоҳ бўлиши зарурлигини таъкидлаб, муҳим кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

## Эътироф

# Якунланаётган йил ҳинд — ўзбек муносабатлари учун ғоят самарали кечди

*Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳада туб ислоҳотлар амалга ошириляпти. Бинобарин, нафақат мамлакат иқтисодиёти, балки ижтимоий тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари йўналишлари ҳам ўзгаришларга юз тутмоқда. Уларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири — очиқ ва конструктив ташқи сиёсатдир. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш, хориж давлатларининг янада яқин алоқаларни йўлга қўйишга бўлган қизиқишини ошириш, инвесторларни жалб этишга хизмат қилаётир.*

Якунига етаётган йил ҳинд — ўзбек муносабатлари учун ғоят самарали кечди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи бу борада энг муҳим воқеага айланди. У икки томонлама ҳамкорлик тарихида янги саҳифа очди. Ташриф якунида кенг кўламли масалалар бўйича 17 та ҳужжат имзоланди. Эътиборлиси, давлат ташрифига тайёргарлик давридаёқ қатор йўналишларда келишувларга эришилди. Биз савдо ва иқтисодиёт, илм ҳамда технология, космик макондан фойдаланиш, маданият ва спорт каби соҳаларда ўзаро алоқаларни кенгайтирмоқчимиз. Умумий манфаатларимизга дахлдор бўлган бирор нарсани эътибордан четда қолдирмоқчи эмасмиз.

Йил давомида Ўзбекистон ва Ҳиндистон вазирлари даражасида кўплаб ўзаро ташрифлар амалга оширилди. Улар стратегик шериклигимизни кучайтиришга қўшимча туртки берди. Жумладан, Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Сушма Свараж хоним мамлакатингиз ташқи сиёсат идораси раҳбари Абдулазиз Комилов билан тўрт марта учрашди.

Юксак ва юқори даражадаги мулоқотлар икки давлат ишбилармон доиралари ҳамкорлиги мустаҳкамланишида ҳам муҳим омилга айланяпти. Ҳиндистон бизнес-делегациялари деярли ҳар ҳафта Ўзбекистонга келмоқда. Ўзбекистон — Ҳиндистон ишбилармонликни ривожлантириш маркази ўзаро янги туташ нуқталарни топиш имконини беради. У Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Ҳиндистон ишбилармонликни ривожлантириш институти қўшма лойиҳасидир.

Мазкур марказнинг очилиш маросими 24 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтди. Тадбиркорлик соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга замонавий технологиялар ҳамда услубларни жорий этиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграция алоқаларини халқаро амалиёт ҳамда стандартлар даражасида равнақ топтириш, инновацион фаолиятга кўмак бериш, илмий тадқиқотлар билан саноат ва ишбилармонлик субъектларининг ўзаро алоқасини йўлга қўйиш учун самарали шароитлар яратиш, илмий тадқиқот ишлари натижалари трансферини таъминлаш марказнинг асосий мақсадлари қаторига киради. Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардаги инновация марказлари, технопарклар ҳамда илғор компанияларда тажриба алмашиш, ишбилармонлар стажировкасини ўтказиш бўйича дастурлар ташкил этиш режалаштирилган.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги товар айланмаси қарийб 330 миллион АҚШ долларига тенг. Ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Мамлакатимизга амалга оширган давлат ташрифи доирасида Президент Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди билан учрашуви чоғида ўзаро товар айланмаси ҳажмини 2020 йилга қадар бир миллиард долларгача етказиш бўйича келишувга эришилган эди. Ишончим комилки, бизнес жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши билан ушбу вазифа тўла адо этилади.

2019 йил январь ойида Ҳиндистонда иккита тадбир бўлиб ўтади: халқаро инвестициявий саммит ва "Vibrant Gujarat 2019" кўргазмаси ҳамда "Шериклик саммити — 2019". Уларда Ўзбекистондан ҳам ишбилармонлар доирасининг катта делегациялари қатнашиши кутиляпти. Мамлакатингиз шу каби форумларнинг асосий ҳамкорларидан бири ҳисобланади.

➔ 2

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ВАКОЛАТИ ОШАЁТГАН ОМБУДСМАН, ТАРТИБГА СОЛИНАДИГАН ЕР ҚАЪРИ, МУҲОФАЗАЛАНАДИГАН ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

*2018 йил 25 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакатда ижтимоий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.*

Депутатлар ишни "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуни лойиҳасини муҳокама қилишдан бошладилар.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Парламент қуйи палатаси депутатлари томонидан тайёрланган мазкур қонун лойиҳаси ҳам ана шу йўлдаги чора-тадбирлардан бўлиб, Президентимизнинг 2018 йил 5 майдаги "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

Депутатлар фикрича, бу Ўзбекистонда "миллий превентив механизм" институтининг жорий этилишини, яъни қамоқда сақлаш жойларига Омбудсманнинг кириб туриши орқали қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларининг олдини олиш чоралари кўрилишини англатади.

Лойиҳада Омбудсман қамоқда сақлаш жойларига кирганида у ерда сақланаётган шахслар сони ҳақида маълумот олиши, уларни сақлаш шароитини ўрганиши, шахслар билан холи учрашиши, бундай жойларда шахсни сақлашнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишиб чиқиши мумкинлиги каби нормалар ўз аксини топмоқда. Шунингдек, қамоқда бўлиб турган шахсни тиббий кўрикдан ўтказишни талаб қилиши, қамоқда сақлаш жойлари маъмуриятининг қонунга зид ҳаракати (ҳаракатсизлиги)нинг олдини олиш бўйича шошилинч чоралар кўриши, шахсларни қамоқда сақлашнинг шароити ҳақида ўз хулосасини тайёрлаши ва уни тегишли органларга юбориши, бу каби фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиши кўзда тутилмоқда.

➔ 2

# «УЗОҚНИ КЎРА БИЛАДИГАН ДАВЛАТ АРБОБИ ВА МОҲИР ДИПЛОМАТ»

*АҚШда жойлашган Миллий хавфсизлик масалаларини ўрганишга ихтисослаштирилган "The Cipher Brief" таҳлилий маркази сайтида "Ўзбекистоннинг янгиланган ташқи сиёсати" сарлавҳали мақола эълон қилинди.*

## Дунё нигоҳи

Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар халқаро ҳамжамият томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда, дейилади унда. Сиёсий айбловлар билан қамалганларнинг озод этилиши, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари фаолияти устидан назорат кучайтирилиши, суд органлари шаффофлиги ва аҳоли билан ишлаш тизимининг такомиллаштирилиши, айниқса, мажбурий меҳнат муаммоси бартараф қилиниши Ўзбекистон қўйган муҳим қадамлар сифатида эътироф этилди. Республика Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллик байрами муносабати билан Президент Фармонига биноан қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган ва айни пайтда озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 136 нафар шахснинг афв этилгани инсонпарварлик ва демократиянинг ёрқин намунаси, деб баҳоланди.

"The Cipher Brief" экспертлари фикрича, расмий Тошкентнинг янгиланган ташқи сиёсати Марказий Осиё геосиёсатини ўзгартираётир. Дунёда ёпиқлик сиёсати, авторитар тенденциялар кучайиб бораётган бир вақтда Ўзбекистонда Шавкат Мирзиёевнинг очиқлик сиёсатига асосланган кенг кўламли ислоҳотлар дастури амалга оширилмоқда.

➔ 2




*Президентимиз мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида аҳоли тинчлиги ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўплаб ижобий ишлар қилинганини эътироф этган ҳолда, бу борадаги амалий саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.*

**Тоҳириддин НАЖИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Қўриқлаш бош бошқармаси бошлиғи, полковник:**

— Қайси юртда тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сурса, ўша ерда ривожланиш, эртанги кунга ишонч бўлади. Шу боис мазкур масала долзарб аҳамиятга эга.

Юртимизда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда барча чора кўрилмоқда. Биргина шу кунга қадар қўриқлаш бўлинмалари томонидан 29 мингга яқин халқ хўжалиги объектлари ва 25 мингга яқин хонадонлар қўриқланаётир. Бунинг натижасида мазкур объектлар ва хонадонларда жорий йилда **35 та** жиноий тажовузнинг олди олинди. Бундан ташқари, қўриқлаш хизмати ходимлари томонидан ички ишлар органларининг тегишли хизматлари билан ҳамкорликда **1 525 та** жиноятнинг олди олиниб, фош этилишига эришилди.

**Ҳасан БОТИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони ўринбосари:**

— Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ички ишлар органлари ходимлари билан биргаликда аҳоли хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлаш мақсадида кундузги, кечки ва тунги сменада иш олиб боряпти. Бу жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни камайтириш, қолаверса, "Хавфсиз шаҳар" концепциясида белгиланган вазифалар самарали бажарилишида қўл келаётир.

Айни чоғда жамоат жойлари ва кўчаларда ўрнатилган **200 минг**дан ортиқ видеокузатув мосламаларидан унумли фойдаланиляпти. Ўтказилган тадбирлар натижасида пойтахтимизда жиноятлар сони сезиларли даражада қисқарди. Жумладан, Тошкент шаҳрида жиноятлар **48 фоиз** камайишига эришилди.

Келгусида жиноятларни кескин камайтириш, аҳоли осойишталигини янада таъминлаш чораларини кўрамиз.

**Хуршид ТЎЙМУРОДОВ,**
**Бухоро вилояти ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси катта инспектори, лейтенант:**

— Қадимий шаҳримизда сайёҳларнинг эмин-эркин сайр қилишлари, бой маданий меросимиз билан яқиндан танишишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Уларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Масалан, барча меҳмонхоналар "Е-меҳмонхона" электрон тизимига уланган. Шунингдек, 36 та камера ва монитордан иборат "Call-centre" маркази ташкил қилинган. Ходимлар автомобиль, микроавтобус, скутер, сигвейлар ҳамда зарур алоқа воситалари билан таъминланган. Ягона автоматлаштирилган электрон маълумотлар базаси шакллантирилган.

Буларнинг барчаси, пировардида сайёҳларга, чет эл делегацияларига кўрсатилаётган хизмат сифатининг ошишига олиб келмоқда. Жумладан, шу кунга қадар ходимларимизга мурожаат қилган 100 нафардан зиёд меҳмонларга у ёки бу масалада зарур ёрдам кўрсатилди. Ўнлаб туристларга йўналишлар бўйича кўмаклашилди, 30 дан зиёд меҳмонларнинг йўқолган буюми топиб берилди.

Шу саъй-ҳаракатлар натижасида вилоятда жорий йилда сайёҳлар сони ўтган йилдагига қараганда **2,4 баравар** ошгани бизни қувонтиради.

# «УЗОҚНИ КЎРА БИЛАДИГАН ДАВЛАТ АРБОБИ ВА МОҲИР ДИПЛОМАТ»

1 ➡

Ўзбек дипломатиясининг муҳим вазифаси минтақада узоқ йиллардан буён сақланиб, чуқурлашиб келган муаммоларни конструктив йўл билан ҳал қилиш бўлиб, ушбу вазифа қисқа муддатда муваффақиятли бажарилди. Тожикистон ва Қирғизистон билан дўстона мулоқот тикланди, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг илк учрашуви ўтказилди, Афғонистон билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар салмоқли даражада фаоллашди.

Мақолада Президент Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги сўзлари иқтибос сифатида келтирилади:

*“Марказий Осиё мамлакатларининг кооперация алоқаларини самарали йўлга қўйиш натижасида минтақа ялпи ички маҳсулоти ўн йилда камида икки баробар кўпайиши мумкин”.*

Франция, Миср, Ҳиндистон, Хитой, Россия, АҚШ сингари дунёнинг йирик давлатлари бугун Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтириш истагини билдиряпти.

Шавкат Мирзиёевнинг, айниқса, ниҳоятда қисқа муддатда Россия ва АҚШ билан дўстона алоқаларни йўлга қўйгани унинг узоқни кўра биладиган давлат арбоби ҳамда моҳир дипломат эканидан далолат беради. Жорий йил октябрь ойида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида қарийб 27 миллиард АҚШ долларилик шартномалар пакети имзоланди.

“Вашингтонда Ўзбекистоннинг ислоҳотга йўналтирилган сиёсати ижобий баҳоланмоқда. Шу сабабли Америка — Ўзбекистон алоқалари янги саҳифадан бошланяпти. Қисқа муддатда Қўшма Штатлар ўзбек иқтисодиётининг энг йирик инвесторига айлангани Вашингтон Тошкент билан мулоқотни фаоллаштиришга интилаётганини яққол кўрсатади”, дейилади “The Cipher Brief”да.

* * *

**Шунингдек, мамлакатимиздаги ислоҳотлар самаралари хусусида таниқли экспертлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.**



**Стокгольмдаги Хавфсизлик ва ривожланиш сиёсати институти (Institute for Security & Development Policy) эксперти Энтони БОУЭР:**

— Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари лавозимини эгаллаганидан сўнг ўтган қисқа вақт мобайнида Ўзбекистонда кўплаб соҳаларда туб ўзгаришлар кузатилди.

Хусусан, қарорлар қабул қилиниши жараёнининг шаффофлиги ошди, фуқаролик жамияти фаоллашди, сиёсий рақобат ва фикрлар хилмахиллиги қўллаб-қувватланмоқда, инсон ҳуқуқлари ҳамда фуқаролик эркинликлари бўйича янгича ёндашувга амал қилинаётир. Президент таклиф қилган ислоҳотлар дастури мамлакат ва минтақа сиёсий ландшафтини ўзгартириб, фуқаро ҳамда давлат ўртасидаги муносабатларда фундаментал силжишларга олиб келяпти.

Умуман, мазкур ислоҳотлар ўттиз уч миллиондан ортиқ аҳолига эга Ўзбекистоннинг йиллар мобайнида фойдаланилмаган имкониятларини юзага чиқариш ва уларни бугунги глобаллашув даврида давлат тараққиёти, фуқаролар фаровонлиги йўлида қўллашга қаратилган.



**Сиёсий фанлар доктори, Варшавадаги Шарқшунослик маркази (Centre for Eastern Studies) катта илмий ходими Мариуц МАРЖЕВСКИ:**

— Шавкат Мирзиёев мамлакатда ҳам, минтақада ҳам янги динамикани яратган сиёсатчидир. У бошлаган ислоҳотлар узоқ муддатли таъсирга эга ва тизимли хусусияти билан ажралиб туради. Жумладан, аввал-бошданоқ ислоҳотларнинг беш устувор йўналиши белгилаб олинди. 2021 йилгача ушбу жабҳалар мутлақо янгича қиёфа ва мазмун касб этиши кутилаётир.

Валюта соҳасининг либераллашуви, солиқ ва божхона тартиблари соддалаштирилиши нафақат бизнесда узоқ кутилган воқеалар бўлди, балки коррупцияга жиддий тўсиқ яратди. Хорижий инвесторлар нигоҳида Ўзбекистон аста-секин жозибадорлик касб этиб бормоқда. Мамлакатда янги корхона ва заводлар сафи тобора кенгайяпти. Илгари хорижга “оққан” капиталлар бугун республикага қайтмоқда. Бу жуда муҳим.

**Анвар МИРЗАЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

# ВАКОЛАТИ ОШАЁТГАН ОМБУДСМАН, ТАРТИБГА СОЛИНАДИГАН ЕР ҚАЪРИ, МУҲОФАЗАЛАНАДИГАН ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАР



1 ➡

Қамоқда сақлаш жойларидан ташқари, шахс ўз хоҳиш-иродаси билан тарк этиш имкони бўлмаган бошқа жойларга ҳам Омбудсманнинг кириб бориши назарда тутилмоқда. Бундай жойлар сирасига шахсни суд ёки бошқа ваколатли орган қарори билан жойлаштириладиган турли интернат муассасалари, ижтимоий хавфли касалликларга чалинган шахсларни даволаш ҳамда сақлаш муассасалари, психиатрия муассасалари ва бошқалар киради.

Энг асосийси, қонун лойиҳасида Омбудсманнинг ушбу фаолиятига амалий кўмак бериш учун нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларидан иборат экспертлар гуруҳи тузилиши лозимлиги ҳақидаги нормани киритиш, Омбудсман Котибиятида унга кўмаклашиш шуъбасини тузиш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, мансабдор шахсларнинг Омбудсман олдидаги масъулиятини ошириш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга янги 197[4]-модда киритиш ва унда Омбудсманнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик ўрнатиш таклиф этилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши юртимизда “миллий превентив механизми”ни жорий этиш, шу аснода демократик ислоҳотлар жараёнида адолатлилик, инсонпарварлик ва қонун устуворлиги каби тамойилларни самарали амалга оширишда янада қулай шароит яратади.

Мажлисда кўрилган масалалар орасида Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, унинг тасарруфидаги ташкилотлар ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ер ости бойликларидан фойдаланиш соҳасидаги роли, масъулиятини ошириш, мазкур соҳада фаол инвестициявий сиёсатни юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги ва “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунларга ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Депутатлар фикрича, ушбу қонун лойиҳаси қабул қилиниши натижасида фаолиятини қонунчиликка мувофиқ амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчилар сонининг кўпайиши ҳамда солиқ тушумларининг ортишига, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларни қазиб олишни қонунийлаштириш, фойдали қазилмаларни рухсатсиз қазиб олиш ҳолларига чек қўйишга хизмат қилади. Айни пайтнинг ўзида қонуннинг қабул қилиниши юридик ва жисмоний шахсларнинг ушбу соҳадаги ноқонуний фаолиятлари учун жавобгарлигини кучайтиришга, давлат назорати самарадорлигини оширишга, шунингдек, ер ости бойликларини сақлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланишни таъминлашга ёрдам беради.

Қайд этиш жоизки, бугунги глобаллашув тобора шиддатли тус олаётган бир пайтда фуқароларнинг шахсий маълумот ва ахборотлари хавфсизлигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимиз Конституциясига мувофиқ, ҳар бир шахс шахсий ҳаёт дахлсизлиги, шахсий ҳамда оилавий сир, ўз қадри ва ғурурини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Қолаверса, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунга асосан, жисмоний шахсларнинг шахсий маълумотлари ҳақидаги ахборот конфиденциал маълумотлар сирасига киради.

Мазкур нормалар шундан далолат берадики, давлатда инсоннинг шахсий ҳаёти ҳақидаги ахборотларни ҳимоялаш давлат сири таркибига кирувчи маълумотларни муҳофазалаш даражасида амалга оширилади.

Мажлисда депутатларнинг баҳс-мунозарасига сабаб бўлган масалалардан яна бири — “Шахсий маълумотлар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам ана шундай ҳаётий зарурат туфайли тайёрлангани билан аҳамиятлидир. Рақамли технологиялар даврида фуқароларнинг асосий ҳуқуқларини қўшимча мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ҳуқуқларни таъминлашни назарда тутувчи ушбу қонун лойиҳаси шахсий маълумотлар билан ишлаш иштирокчиларининг ўрнатилган меъёр ва қоидаларга риоя этишини таъминлаш, фуқароларга ўз шахсий маълумотлари устидан назорат қилиш бўйича кенг имкониятлар яратишга ёрдам беради. Шунингдек, шахсий маълумотларни халқаро узатишни соддалаштиради ҳамда қаерда қайта ишланишидан қатъи назар, фуқаролар маълумотлари ҳимоясини таъминлаш кафолатларини яратади. Фуқароларга зарар келтириши мумкин бўлган, шу жумладан, уларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги бўйича ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилишининг олдини олишга кўмаклашади.

Муҳокамалар чоғида депутатлар Ўзбекистон тарихида инсоннинг шахсий ҳаёт дахлсизлигини муҳофазалаш борасида янги босқични бошлаб берадиган ушбу қонун лойиҳаси муҳим ва зарур ҳужжат бўлишини таъкидладилар. Аммо у сўз ва фикр эркинлиги чекланишига олиб келмаслиги зарурлигини қайд этдилар.

Мажлисда парламент қуйи палатаси ҳузуридаги Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи комиссия томонидан тавсия этилган масала — судларнинг бинолар, моддий-техника таъминоти борасида Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимларига парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири Б. Ходжаевга юборилган “Ўзбекистонда энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш ва энергия тежовчи инновацион технологияларни қўллаш истиқболлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг парламент сўровига жавоби ўқиб эшиттирилди.

Шунингдек, мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

# ҚУРИЛАЁТГАН АРЗОН УЙ-ЖОЙЛАР СИФАТИ ДЕПУТАТЛАРНИНГ ҚИЗҒИН МУНОЗАРАСИГА САБАБ БЎЛДИ

*2018 йил 25 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўтказилган навбатдаги “Ҳукумат соати”га қуйи палатадаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг ташаббуси билан “Шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш борасида амалга оширилаётган ишлар, истиқболдаги вазифалар тўғрисида”ги масала киритилди.*

Мазкур масала юзасидан депутатлар саволлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири А. Тўхтаев атрофлича маълумот берди.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар ҳамда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши аҳолининг йиллар давомида ушалмаган орзуларини рўёбга чиқармоқда. Шу орқали юртимизда кўп йиллардан буён аҳолини қийнаб келаётган йирик ижтимоий муаммолардан бири жадаллик билан ҳал этилмоқда.

2018 йилда жами 13 917 хонадонли 335 та уй-жой қурилиши режалаштирилган эди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари чоғида берган топшириқларига асосан эса қўшимча 90 та уй бунёд қилиниши белгиланган. Шулардан 79 та кўп қаватли уй-жой фойдаланишга топширилган. Қолганларида қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 18 январдаги “2018 йилда уй-жой қурилишини ривожлантириш мақсадли дастурларини самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ эса аҳоли учун жами 16 360 та арзон уй қурилиши белгиланган. Шундан 5 942 тасида қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилган.

Бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилаётган, қурилиш ташкилотлари учун қатор имтиёзлар берилаётган бир пайтда кўплаб камчиликлар ҳам учраб тургани “Ҳукумат соати”да таъкидлаб ўтилди.

Депутатлар халқимизни уй-жой билан таъминлаш, қурилиш ишларини сифатли ва ўз вақтида якунлаш, шунингдек, ҳудудларда бунёд этилаётган уйлар атрофида инфратузилмаларни яратиш борасидаги масалалар, одамларни ўйлантираётган муаммолар хусусида жиддий саволлар билан мурожаат қилдилар. Айниқса, депутатларнинг эътирозига сабаб бўлган масала — Тошкент, Сирдарё, Навоий ҳамда Хоразм вилоятларида қурилиши режалаштирилган 4539 та уй-жойдан бугунги кунгача бирортаси ҳам фойдаланишга топширилмаганига изоҳ сўралди.

Депутатларнинг фикрича, уй-жой қурилиши борасида топшириқлар ижросини муддатидан олдин бажариш, ҳисоботлардаги статистиканинг ижобий бўлишини таъминлаш илинжида маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳам бир қатор камчиликларга йўл қўйилганидан кўз юмиб бўлмайди. Чуқур ўйланмасдан, тегишли хулосалар асосида иш олиб борилмаслиги баъзи ҳудудларда қуриб битказилаётган уй-жойларга аҳолини жойлаштиришда қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Вазир депутатлар саволларига жавоб қайтарар экан, бундай ҳолатлар устидан вазирлик ва тегишли инспекция томонидан ҳам жиддий назорат олиб борилаётгани, камчиликларга йўл қўйган мутасаддиларга нисбатан чоралар кўрилаётганини қайд этди. Ўз навбатида, назорат қилувчи ва қурилиш объектларини қабул қилиб олувчиларнинг ҳам масъулиятини ошириш юзасидан ўз мулоҳазаларини билдириб ўтди.

“Ҳукумат соати” доирасида берилган савол-жавоблардан келиб чиқиб, депутатлар томонидан вазирлик фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатор фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди. Хусусан, уй-жой қурилиши соҳасидаги 27 йил аввал ишлаб чиқилган, ҳозирги кунда талабга мутлақо жавоб бермайдиган нормативларни буткул янгидан ишлаб чиқиш, шунинг баробарида, Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини бугунги кун нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш тавсия қилинди.

Йиғилиш якунида аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича қилинаётган ишлар юзасидан самарали парламент назоратини олиб боришга келишиб олинди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси**
**Матбуот хизмати.**

2018 йил бошидан буён Тошкент вилояти коррупция туфайли **25,4** миллиард сўм миқдорида зарар кўрган. Ушбу иллат сабабли **85** нафар шахсга нисбатан **59** та жиноят иши қўзғатилган. Мазкур жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида давлат ва жамият манфаатларига етказилган **16,4** миллиард сўм миқдоридаги зарар ундирилиши таъминланган. Бу борадаги кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан **11** фоиз камайган бўлса-да, ушбу масалага лоқайд қараб бўлмайди.

Парламент ҳаёти

# КОРРУПЦИЯ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТГА КАТТА ЗАРАР КЕЛТИРАДИ

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Тошкент вилояти идоралараро комиссияси раиси, вилоят прокурори С. Самадов Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг Тошкент вилоятидаги ижроси муҳокамасига бағишланган мажлисида бу ҳақда маълумот берди.

Йиғилишда келтирилишича, Тошкент вилояти прокуратура органларига 2018 йил давомида жисмоний ва юридик шахслардан 38 минг 469 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 27 минг 283 таси ҳал қилинган. Улардан 2 минг 728 таси қаноатлантирилган ҳамда 2 минг 394 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланган.

Коррупция салбий ижтимоий ҳодиса сифатида давлат бошқаруви самарадорлигига, мамлакат инвестицион жозибадорлигига, бошқача айтганда, давлат ва жамиятга катта зарар етказади. Шу боис унга қарши курашишда аниқ тадбирлар кўрилиши, рўёбга чиқарилиши лозим.

Шу мақсадда коррупцияга қарши курашиш бўйича Тошкент вилояти идоралараро комиссияси ҳудудий давлат органлари ҳамда ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш бўйича саъй-ҳаракатларни мунтазам амалга ошириб келмоқда. Олиб борилган профилактика ишлари натижасида ҳудудда коррупция билан боғлиқ жиноятлар статистикасининг пасайиши кузатилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам коррупцияга қарши курашишнинг муҳим омилларидан биридир. Мажлисда ушбу йўналишдаги вазифалар ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Порахўрлик, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш каби ҳолатлар, умуман, коррупциянинг барча кўринишига барҳам беришда турли идоралар, ташкилотлар ва аҳоли орасида тарғибот ишларининг самарадорлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш лозимлиги уқтирилди.

**Мунисхон КАРИМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 25 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 АҚШ доллари | 8339,55 |
| 1 евро | 9479,57 |
| 1 Россия рубли | 120,91 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 10532,85 |
| 1 Япония иенаси | 74,99 |
| 1 Жанубий Корея вони | 7,39 |
| 1 Кувайт динори | 27466,16 |
| 1 Малайзия ринггити | 1995,59 |
| 1 Канада доллари | 6132,92 |
| 1 Хитой юани | 1207,79 |
| 1 Сингапур доллари | 6067,33 |
| 1 Швейцария франки | 8381,46 |
| 1 БАА дирҳами | 2270,87 |
| 1 Миср фунти | 466,94 |
| 1 Австралия доллари | 5864,37 |
| 1 Туркия лираси | 1568,44 |
| 1 СДР | 11570,04 |
| 1 Украина гривнаси | 304,98 |
| 1 Польша злотийси | 2210,62 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# Якунланаётган йил ҳинд — ўзбек муносабатлари учун ғоят самарали кечди

1 ➡

Маданий-гуманитар соҳа ҳам ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидандир. 2018 йилда ўзаро академик муносабатлар сифат жиҳатидан янги даражага чиқди. Сентябрь ойида Самарқандда “Ҳиндистон — Марказий Осиё” мулоқот гуруҳининг бешинчи йиғилиши бўлиб ўтгани бунинг тасдиғидир. Ҳиндистон ва Ўзбекистон маданият делегациялари алмашинуви мунтазамлик касб этаётир. Мамлакатларимиз томонидан ташкил қилинган мусобақаларда спортчиларимиз қатнашяпти. Узоқ танаффусдан сўнг киноиндустрия соҳасидаги ҳамкорликни қайта бошладик. Жорий йилда “Ҳой чой анлимитет” номли ҳинд — ўзбек комедия фильмини суратга олиш якунланди.

Ҳиндистонда унинг премьераси бўлиб ўтди, яқин вақт ичида Ўзбекистонда ҳам намойиш этилади.

Сайёҳлар оқимида ҳам ижобий ўсиш кузатилаётир. 2018 йилда Ўзбекистонга Ҳиндистондан қарийб 20 минг нафар туристлар келди. Уларни Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби тарихий шаҳарлари ўзига жалб этмоқда, айримлари айнан қадимий Хива ёки Фарғона водийсининг ўзига хос шаҳарларини томоша қилиш учун ташриф буюришади. Самарқанд, Бухоро ва Тошкент билан бизни кўп асрлик тарих боғлаб туради. Айни пайтда биз Ўзбекистондан Ҳиндистонга авиарейслар сонини кўпайтириш масаласини кўриб чиқмоқдамиз. Бу юртингизга келадиган туристлар оқими ошишига хизмат қилади. Икки кўҳна кент — Самарқанд ва Агра ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилган.

Мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келяпти. 2019 йилда ўзаро алоқаларимизни чуқурлаштирмоқчимиз. Биз БМТ Бош Ассамблеясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюциясини қўллаб-қувватладик. Бундан ташқари, Президент Шавкат Мирзиёев таклифи билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 12 декабрь куни қабул қилинган “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюциясининг ҳаммуаллифларидан бири Ҳиндистон бўлди. У дунё мамлакатларини билимсизликни йўқотиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш, дин эркинлигига чақиради.

Янги йилда юксалиш ва гуллаб-яшнашни тилайман. Ўзбекистон қадимдан цивилизация маркази бўлиб келган ва бугун у минтақадаги марказий ролини янада ошириш, қадрият ҳамда маданиятни юксалтириш учун кўп куч-ғайратини сарфламоқда. Тилагим шуки,



ўзбек халқи бутун дунё қадрлайдиган фазилатлар — меҳмондўстлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат ва раҳм-шафқатни келажак авлодларга ҳам етказаверсин. Энг асосийси, буларнинг барчаси давлатнинг ривожланиши билан узвий давом этсин.

**Винод КУМАР,**
**Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси.**

Ғамхўрлик

# ОРЗУМАНД КЎНГИЛЛАР

## Янги йил мўъжизасидан баҳраманд бўлишди

*Байрам кунлари, айниқса, Янги йил арафасида ҳар биримиз ўз ҳаётимизда қандайдир мўъжиза содир бўлишини орзиқиб кутамиз. Тўғрими? Аммо бундай мўъжизаларни имконияти чекланган болалар қанчалар орзу қилишини ҳам биласизми?!*

Балки шу боисдандир Қарши шаҳрида ногиронлиги бўлган болалар учун реконструкциядан сўнг иш бошлаган Мурувват интернат уйининг очилиш маросими уларда ёқимли таассурот қолдириб, лабларига табассум улашди.

Интернат уйининг биноси бир пайтлар кўримсиз, совуқ ҳамда зимистон эди. Ҳатто оддий канализация тармоғига ҳам уланмаган, сув ва электр таъминотида эса мунтазам узилишлар юз бериб турарди. Қайта таъмирлаш ишларидан сўнг бу ерда нафақат барча қулайлик яратилди, балки кенг ва ёруғ хоналар чинакам ёрқинлик касб этиб, болалару катталар кўнглида орзулар, албатта, ушалиши тимсоли бўлиб қолди.

— Жорий йилнинг апрель ойида “Eriell GmbH” ҳамда “Enter Engineering PTE. Ltd.” хорижий корхоналари интернатимизни реконструкция қилиш ва жиҳозлаш таклифи билан чиқишди, — дейди муассаса директори Рўзиқул Хўжаев. — Ўтган қисқа вақт мобайнида бу ерда бир сўз билан таърифлаб бўлмайдиган жуда улкан ишлар амалга оширилди. Масалан, эндиликда бизнинг икки қаватли биномиз ўз лифтига эга. Ахир яқин-яқингача биз бу ҳақда фақат орзу қилишимиз мумкин эди, холос. Масканимизда 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган имконияти чекланган 285 нафар бола тарбияланаётгани, уларнинг 80 нафари тарбияси “оғир” эканини инобатга олганда, лифт ва махсус супачали зинапоялар бизнинг ҳаётимизда нечоғли катта ўрин тутишини тасаввур этиш қийин эмас.

Айни кунларда нафақат болажонларнинг, балки бу ерда меҳнат қилаётган шифокорлар, тарбиячилар ҳамда хўжалик ишчиларининг ҳам қувончи чексиз. Улар, айниқса, болалар вақтини кўп ўтказадиган хоналар иссиқ пол ускунаси билан жиҳозланганидан мамнун эканликларини яширишмаяпти.

— Илгари машғулот хонамизда қуруқ бетон устига қоплама тўшалган бўлар, шу туфайли болаларнинг саломатлигини ўйлаб улар билан кўп шуғулланолмасдик, — дейди муассасада ҳамшира бўлиб ишловчи Дилноза Қосимова. — Энди эса қулай ва мўътадил ҳароратдаги хонада, замонавий тренажёрлар ёрдамида уларнинг янада кучли, бақувват бўлишларини таъминлаш учун фаол иш олиб борамиз.

Дарҳақиқат, ишга тўғри ёндашув, доимий ғамхўрлик мўъжиза яратишга қодир. Масалан, хонада қийқириб, қувнаб, дадил одим отиб юрган беш яшарлик Зийнурага боқиб, атиги бир йил муқаддам қизалоқ умуман ҳаракатлана олмаганига ишониш қийин. Даун синдроми билан хасталанган ҳаётсевар бу қизча бугун нафақат ўйнаб-қувнаб, югуриб юрибди, балки гапиришга ҳам ҳаракат қилмоқда.

Мурувват интернат уйининг янгиланган биноси очилиш маросимига турли давлат тузилмалари вакиллари, жамоат арбоблари, пойтахтдан меҳмонлар ташриф буюрди. Тадбир тантаналарнинг бош иштирокчилари — интернат уйи тарбияланувчиларининг қўлларидаги Янги йил совғалари, турфа ўйинчоқлар билан улкан арча атрофидаги шўх-шодон ўйинларига уланиб кетди.

**Малика АБАЙДУЛИНА.**

Ватан — муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!

# Армиядаги бир куним…

*Фарғона вилоятидаги Мудофаа вазирлигининг Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўмондонлигига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида 10 нафар кўнгилли мактаб ўқувчиси бир кун давомида худди ҳарбийлардек ҳаёт кечирди.*

“Ватанпарварлик ойлиги” доирасида ташкил этилган “Армиядаги бир куним” акцияси навқирон авлодда ҳарбий хизмат ҳақидаги тушунчани шакллантиришга қаратилган. Шунингдек, ўқувчилар шарафли касб эгаларидек турли жараёнларда ўзларини синаб кўришди. Хусусан, саф тайёргарлиги, ўқ отиш, куролларни нотўлиқ қисмларга ажратиш ва йиғиш, жисмоний тайёргарлик каби машқларда қатнашди.

Жорий йилдан эътиборан Мудофаа вазирлиги қўшинларида илк бор ўтказилаётган ушбу тадбирлар ёшлар томонидан содир этилаётган турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, уларда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, эл-юртга фидойиларча хизмат қилиш тушунчаларини тарбиялашга қаратилган.

*Чирчиқ гарнизони Маънавият ва маърифат марказида ҳарбий қисм ҳамда муассасалардаги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи етакчиларининг биринчи форуми бўлиб ўтди.*

Тадбирда фарзандларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фаол қатнашиб келаётган ҳарбий қисм ва муассасалардаги ёшлар бошланғич ташкилотлари рағбатлантирилди. Бундан ташқари, “Йилнинг намунали бошланғич ташкилот хонаси”, “Йилнинг энг илғор бошланғич ташкилот етакчиси”, “Йилнинг энг илғор маданий-маърифий ва ҳуқуқий тарғибот йўналиши сардори”, “Йилнинг энг илғор “Устоз — шогирд” анъанаси йўналиши сардори” сингари номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.



*Қарши шаҳридаги “Ватанпарварлар боғи”да “Ватан — муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!” шиори остида мардлик ва жасорат дарслари уюштирилди.*

Унда Мудофаа вазирлиги, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўмондонлиги масъуллари, Қашқадарё вилоятидаги таълим муассасалари ўқувчилари, шунингдек, шаҳарнинг барча ёшдаги аҳолиси қатнашиб, замон талаблари асосида барпо этилган боғда яратилган шароитлар билан яқиндан танишди. Кўнгилочар ва концерт дастурларидан баҳраманд бўлди.

Ушбу боғ ёшларда тарихимиз ва маданиятимиздан ғурурланиш туйғусини шакллантириш, Ватан равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз номини абадийлаштириш, миллий армиямиз қудрати ва салоҳиятига бўлган ишончни кучайтириш мақсадида бунёд этилди.

Боғдаги сунъий кўл, амфитеатр, ҳарбий ҳандақ, алпинистлар учун сунъий қоя, тир ва лукодром қурилиши якунланган. Музей қурилиши тугалланиш арафасида, парашютдан сакраш минораси қурилиши, кўкаламзорлаштириш ишлари жадал давом этмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**



# Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмоли учун жавобгарлик кучайтирилади

*Тадқиқотларга қараганда, юртимизда йиллик ўлим ҳолатларининг **78** фоизи ноинфекцион касалликлар сабабли содир бўлади. Мамлакат аҳолисининг учдан икки қисми кунига етарли миқдорда мева-сабзавот истеъмол қилмас экан. Ваҳолонки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан белгиланган меъёрларга кўра, инсон кундалик насибасида бундай маҳсулотлар улуши **400** граммни ташкил этиши керак.*

Мазкур нохуш ҳолатлар кўпинча бирламчи тиббий муассасаларда юқумсиз касалликларга чалиниш хавфи бўлган беморларни эрта аниқлаш тизимининг ривожланмагани, соғлом турмуш тарзи етарлича тарғиб этилмаётгани билан бевосита боғлиқ.

Президентимизнинг “Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган чора-тадбирларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши орқали ушбу муаммолар бартараф қилинади.

**Эльмира БОСИТХОНОВА, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари:**

*— Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда эскича усуллардан фойдаланиб келинди. Шу билан бирга, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида профилактика чора-тадбирларини самарали мувофиқлаштириш тизими мавжуд эмас эди. Эндиликда қарор билан Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Республика диетология ўқув-илмий маркази негизида Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази ташкил этиладиган бўлди. Бу эса соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг хавф омилларига қарши курашишда янгича усулларни қўллашда муҳим ўрин тутади.*

**Фуқароларнинг ярми ортиқча вазнга эга ва ҳар ўн нафар юртдошимизнинг икки нафарида семизлик аниқланган. Аҳолининг 46 фоизида қондаги холестерин даражаси юқори экани қайд этилган. Уларнинг учдан бир қисмида эса қон босими юқори.**

Ҳужжатга мувофиқ, алкоголь маҳсулоти идишининг ёрлиғида ҳамда тамаки маҳсулотининг қутисида (ўровида) тиббий огоҳлантиришларни жойлаштириш учун асосий майдон ўлчамлари кенгайтирилади. Қолаверса, жамоат жойлари ва транспортнинг белгиланмаган жойларида алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотлари истеъмоли учун жавобгарлик кучайтирилади. Аслида бундай чора кўрилишига сабаблар етарли. Чунки мамлакатимиздаги эркакларнинг 42 фоизи тамаки маҳсулотларини истеъмол қилади.

Бундан ташқари, 2019/2020 ўқув йилидан эътиборан Тошкент тиббиёт академияси магистратурасида янги — “Нутрициология” йўналиши очилади. Нутрициология фани илмий назорат, овқатланишнинг турли жиҳатлари билан боғлиқ масалаларни ўрганади ҳамда маҳсулот таркиби, овқатланиш жараёни, унинг организмга таъсирини таҳлил этади.

Яна бир муҳим янгилик ҳақида тўхталсак. Яъни давлат органлари ва ташкилотларида иш куни давомида ишлаб чиқариш гимнастикаси машқлари, ҳафтасига камида бир маротаба ходимларнинг жисмоний тарбия-оммавий тадбирларида (югуриш, сузиш, футбол, волейбол, баскетбол, теннис ва бошқалар) иштирок этишини назарда тутадиган “Саломатлик куни” жорий этиладиган бўлди.

**Аҳмаджон АЛИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги бошқарма бошлиғи:**

*— Аҳолининг кенг қатламлари орасида “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари ҳам ўтказилади. Уни йилига икки марта ўтказиш кўзда тутилмоқда. Албатта, ушбу тест синовларини муваффақиятли топширган ҳамда юқори кўрсаткичларга эришган фуқароларни “Алпомиш” ва “Барчиной” I, II ҳамда III даражали кўкрак нишонлари билан тақдирлаш ҳам жорий қилинади.*

Қарор билан 2019 — 2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш Концепцияси ҳамда Дастури тасдиқланди. Хўш, бу муддат давомида нималарга эришилади? Буни рақамлар билан қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- аҳолининг мева ва сабзавотларни истеъмол қилиш ҳажми 15 фоиз ошади;
- ош тузининг истеъмоли 15 фоизга, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотлари истеъмоли 10 фоиз камаяди;
- ноинфекцион касалликларни даволаш, тиббиёт муассасаларини диагностика ускуналари ва дорилар билан таъминлаш даражаси 50 фоизга етади;
- юқори хавфли ҳамда ноинфекцион касалликларга чалинган беморларнинг камида 50 фоизи тегишли терапия ва консультациялар билан таъминланади;
- юрак-қон томир касалликлари, қандли диабет ҳамда сурункали респиратор касалликлардан эрта ўлим 10 фоиз камайишига эришилади.

Умуман олганда, қарор мамлакатимизда юқумли бўлмаган касалликлар ва улар хавф омилларининг олдини олиш, даволаш ҳамда назорат қилиш, аҳолининг барвақт ўлим ва касалланишини камайтиришда ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

**Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.**

Шукуҳ

# «Гапирадиган» қўғирчоқ

## Бундай ажабтовур ўйинчоқлар эндиликда ўзимизда ишлаб чиқарилади.

*Болажонлар Янги йил байрамини ўзгача ҳаяжон билан қарши олишади. Ўзларидек беғубор орзуларга чўмиб, ундан мўъжизалар кутишади. Шу боис биз, катталар уларга кутилмаган совғалар ҳозирлаш пайидан бўламиз. Бу хатти-ҳаракатларимиз орқали дилбандларимиз мурғак қалбига эзгулик уруғларини қадашга интиламиз.*

Кўпчилик ота-оналарнинг наздида жажжилар учун энг мақбул туҳфа — ўйинчоқ. Аслида, ҳам шундай. Чунки боланинг маънавий, руҳий ва жисмоний камолотида ўйинчоқлар ғоятда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ юртимизда саноатнинг ушбу йўналиши у қадар тараққий этмагани туфайли бундай маҳсулотларга бўлган эҳтиёж, асосан, импорт эвазига таъминланар эди.

Эндиликда импорт ҳажми камайиб, аксинча, мазкур тармоқнинг экспорт салоҳияти ортиб бораётгани қувонарлидир. Бунда пойтахтимизда фаолият юритаётган “Baby Toys Garden” масъулияти чекланган жамиятининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

— Биз ҳам бизнес фаолиятимизни хориждан ўйинчоқлар олиб келиб сотишдан бошлаганмиз, — дейди корхона раҳбари Ботир Ғофуров. — Ички бозорда бу маҳсулотга талаб катталиги уни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ундади. Натижада 2010 йилда тўрт кишилик кичик жамоамиз саъй-ҳаракати билан илк маҳсулотимиз — тўрт хилдаги ўйинчоқ машина тайёрлашни йўлга қўйдик. Бугунги кунда улар сони салкам 100 турга етказилди.

Айни пайтда 50 киши меҳнат қилаётган корхона маҳсулотларига ички ва ташқи бозорда талаб катта. 2017 йили ички бозорга 5 миллиард сўмлик маҳсулот чиқарилган бўлса, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Грузия, Озарбайжон каби давлатларга 240 минг АҚШ долларилик ўйинчоқлар экспорт қилинди. 2018 йил якуни бўйича эса ушбу рақамлар янада ортиши кутиляпти. Бу бозор талаби ўрганилган ҳолда, янги, юқори сифатли ва харидоргир маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилаётгани самарасидир.

Корхона жамоаси болажонлар учун Янги йил байрамига муносиб туҳфа ҳозирлашмоқда.

Гап шундаки, бу ерда турли-туман қўғирчоқлар ишлаб чиқарилиш арафасида.

— Ушбу лойиҳанинг саноат учун янгилиги шундан иборатки, унинг доирасида қўғирчоқлар тизимли равишда ишлаб чиқарилади, — дейди корхона раҳбари ўринбосари Саидазим Оқилов. — Бошқача айтганда, илгари қўғирчоқларнинг тайёрланиши мураккаб саналган бош қисми импорт қилиниб, қолган деталлари йиғилган бўлса, биз уни тўлиқ маҳаллийлаштиряпмиз. Бунинг учун хориждан 150 минг АҚШ долларидан зиёд замонавий ускуналар олиб келдик. Улар ёрдамида қизалоқлар севиб ўйнайдиган узун сочли, қош-кўзлари попукдек қўғирчоқларни юртимизда биринчилардан бўлиб ишлаб чиқаришга муваффақ бўляпмиз.

Чақалоқлардек “ингалайдиган”, “гапирадиган” ушбу қўғирчоқлар 2019 йилнинг январь ойидан савдога чиқарилиши мўлжалланмоқда. Шунингдек, йиғма ўйинчоқларнинг янги туркумлари, махсус машина ва автомобилчалар ҳам етказиб берилади.

Бинобарин, ўйинчоқлар гўдакларни юпатиш учун шунчаки восита эмас, таъбир жоиз бўлса, уларнинг онгу тафаккурини шакллантирадиган таъсирчан тарбия қуроли ҳамдир. Зеро, мурғак гўдакларнинг дунёни англаши, сўз бойлигининг ўсишида улар муҳим аҳамиятга эга. Кейинги пайтда саноатнинг мазкур тармоғини ривожлантириш, миллий қаҳрамонларимиз қиёфасини яратиш ва ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга жиддий эътибор қаратилаётганининг асл сабаби ҳам шунда.

**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 3 НОЯБРДАН 9 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мҳ-сон “Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида”ги буйруғи.

**2018 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3085. (2018 йил 7 ноябрдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2018 йил 22 октябрдаги 49, 323-сон “Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қарори.

**2018 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1525-2. (2018 йил 9 ноябрдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 8 ноябрдаги 01-02/12-64-сон “Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шаклларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорга ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қарори.

**2018 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2778-3. (2018 йил 9 ноябрдан кучга кирди).**

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 22 октябрдаги 134-сон “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартига (5-сон БҲМС) “Асосий воситалар”-га ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

**2018 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1299-4. (2018 йил 9 ноябрдан кучга кирди).**

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 29 октябрдаги 136-сон “Аудиторлик ташкилотлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги буйруғи.

**2018 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1709-1. (2019 йил 1 январдан кучга киради).**

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 8 октябрдаги 130-сон “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

**2018 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2634-2. (2018 йил 9 ноябрдан кучга кирди).**

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 10 октябрдаги 126, 2018-61, 30-сон “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қарори.

**2018 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2822-2. (2018 йил 9 ноябрдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг “Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорининг 12-банди ва 3-иловаси (рўйхат рақами 2878, 2017 йил 6 май).

**Адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

2. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг “Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида”ги қарорининг 9-банди (рўйхат рақами 2878-1, 2017 йил 20 июнь).

**Адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

3. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг “Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қарорининг 10-банди ва 6-иловаси (рўйхат рақами 2878-2, 2017 йил 13 октябрь).

**Адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

4. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг “Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-иловасига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2878-3, 2017 йил 21 декабрь).

**Адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

5. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг “Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорининг 12-банди ва 4-иловаси (рўйхат рақами 2879, 2017 йил 6 май).

**Адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

6. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг “Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2879-1, 2017 йил 20 июнь).

**Адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

7. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг “Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қарорининг 10-банди ва 7-иловаси (рўйхат рақами 2879-2, 2017 йил 13 октябрь).

**Адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

8. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг “Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловасига қўшимча киритиш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2879-3, 2017 йил 21 декабрь).

**Адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

***Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.***


Оқил ҒУЛОМОВ (ЎзА) олган сурат.

# Ёш олима «Йил аёли» сифатида эътироф этилди

*Пойтахтимизда "Йил аёли — 2018" миллий танлови ва "Нафосат — 2018" кўрик-танлови ғолибларини аниқлаш ҳамда тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра, "Йил аёли — 2018" миллий танловининг Гран-при совринига Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети доценти, техника фанлари доктори Саида Бекназарова лойиқ топилди.*

**Танлов**

— Эътирофдан беҳад мамнунман, — дейди ёш олима. — Бу юртимизда аёлларнинг юксак эъзозланиши баробарида, илм-фан ривожига алоҳида эътибор ифодаси бўлди. Алгоритмлар ва дастурий таъминотларни яратишга қаратилган тадқиқот ишларини олиб боряпман. Унинг амалий натижалари тараққиётимизга хизмат қилишидан умидворман.

"Нафосат — 2018" кўрик-танлови ғолиблари ҳам муносиб тақдирланди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т. Нарбаева сўзга чиқди.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Пойтахтдаги марказдан қолишмайди

*160 ўрин ва 100 қатновга мўлжалланган Республика перинатал маркази Термиз филиали биносини тубдан реконструкция қилишга Давлат бюджетидан 16 миллиард 400 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Марказ 12 миллиард сўмлик замонавий тиббий ускуна ва аппаратлар билан жиҳозланди.*

**Тиббиёт**

Эндиликда перинатал марказда хасталик ҳамда нуқсонлар билан туғилган чақалоқларни шу ернинг ўзида самарали даволаш, оғир акушерлик патологияси, аёллардаги экстрагенитал касалликларни эрта аниқлаш, самарали муолажа ишларини бажариш учун қулай шароитлар мавжуд.

Бинонинг очилишига бағишланган тадбир давомида "Toyota" русумли учта тез тиббий ёрдам автомашинаси, битта "Isuzu" русумли микроавтобус тиббиёт муассасаларига топширилди.

Маросимда Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Б. Пўлатов иштирок этди.

**Илҳом РАҲМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Жонибек ҚЎЗИМУРОДОВ (ЎзА) олган сурат.

# Америкалик олим таассуротлари

*АҚШнинг Индиана университети Марказий Осиё ва Яқин Шарқ халқлари тарихини ўрганиш департаменти профессори Муҳаммад Назиф Шаҳрани яқинда Андижон давлат университети талабалари ҳузурида бўлди.*

**Мулоқот**

Олим дарс жараёнларида мавзуга оид фикрлар билан бир қаторда, юртимиз ҳақидаги таассуротлари билан ҳам ўртоқлашди.

— Ота-боболарим асли андижонлик, — дейди у. — Ўрта асрларда Афғонистоннинг Бадахшон вилоятига бориб қолишган.

Айни чоғда олим таассуротлари беқиёс эканлиги ҳақида талабаларга тўлқинланиб сўзлаб берди.

**Саминжон ҲУСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

TURON BANK
«Туронбанк» АТБ жамоаси жонажон халқимизни яқинлашиб келаётган
Янги — 2019 йил
билан самимий муборакбод этади! Мамлакатимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларда улкан зафарлар тилайди.
Азиз юртдошлар, тинчлик-хотиржамлик ҳамда саодатли кунларимиз барчамизни ҳеч қачон тарк этмасин!
Байрам муносабати билан хорижий валютадаги
«Оптимал»
(АҚШ долларида)
муддатли янги омонат турини таклиф қилади.
Омонатнинг йиллик фоизи — 6 %.
Муддати — 3 йил.
Унинг қулайлиги ҳар 6 ойда муддатидан олдин чиқим қилишга рухсат этилади.
Шунингдек, «Туронбанк» АТБ сизга миллий ва хорижий валюталарда жозибадор шартларда 16 турдаги муддатли, жамғарма ва онлайн омонатларини таклиф қилади.
«Туронбанк»да аҳоли омонатларининг бутлигини таъминлашни кафолатлаш мақсадида уни биометрик идентификациялаш тизими жорий этилган.
«Туронбанк» — барқарорлик белгиси!
Call-центр: 95-144-60-00.
www.turonbank.uz Хизматлар лицензияланган.
11244/570

РЕКЛАМА ЎРНИДА
Ҳурматли ватандошлар!
«BOG'DOD KARVON»
масъулияти чекланган жамияти меҳнат жамоаси
Сиз, азизларни яқинлашиб келаётган
Янги — 2019 йил
билан самимий қутлайди!
Келгуси йилда ҳам барча эзгу амалларингиз доимий йўлдошингиз бўлишига тилакдошмиз.
Янги йил ҳаммамиз учун қутлуғ ва хосиятли келсин!
Дунёда ўз ўрни ва сўзига эга бўлган қадрдон юртимиз ҳамиша равнақ топаверсин!
11242/539

ПРОФНАСТИЛ
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали
ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ
гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.
Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.
ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ
• 0,4 мм. — 42 000 сўм/п.м. • 0,5 мм. — 50 000 сўм/п.м.
• 0,45 мм. — 45 500 сўм/п.м. • 0,7 мм. — 70 500 сўм/п.м.
ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ
• RAL 3005,6005,8017 0,45 мм. — 55 000 сўм/п.м.
• RAL 3005,6005,8017 0,5 мм. — 60 000 сўм/п.м.
Маҳсулотлар сертификатланган.
Тел.: 95-475-00-65, 95-197-00-93, 99-871-88-99.
S89R/295

Акциядорлик тижорат "Алоқабанк" жамоаси банк бошқаруви раиси Каммуна Ирисбековага онаси **Люба ИРИСБЕКОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 717 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.05 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6